



“ 29 ” 2 20 16 у № 2

**Уй хўжаликларида кузатув ўтказиш бўйича услубий низомга
ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, уй хўжаликларида танлама кузатувларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича амалдаги услубиятни янада такомиллаштириш мақсадида, Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2010 йил 24 декабрдаги 18-сон қарори билан тасдиқланган Уй хўжаликларида кузатув ўтказиш бўйича услубий низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор 2016 йил 1 мартдан кучга киради.

Раис

Б.Тўраев

**Уй хўжаликларида кузатув ўтказиш бўйича услубий низомга
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 4-банднинг в-кичик бандида “ички туризм” сўзларидан сўнг “ва аҳолининг жисмоний фаоллиги” сўзлари билан тўлдирилсин.
2. 7-бандда “225”, “450”, “16”, “32” ракамлар тегишлича “208”, “416”, “15”, “30” ракамлари билан алмаштирилсин.
3. 15-банднинг б-кичик банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:
“б) кузатув ойининг якунида уй хўжаликлари билан уй хўжаликлари кузатуви саволномаси ҳамда ички туризм ва аҳолининг жисмоний фаоллиги кузатуви саволномаси бўйича сўров ўтказилади.”.
4. 17-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:
“17. Ички туризм ва аҳолининг жисмоний фаоллиги кузатуви саволномасининг сўров ўтказиш дастури уй хўжалиги аъзоларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб туристик сафарларни амалга оширганлигини, ушбу сафарлар билан боғлиқ харажатларни ва жисмоний машгулотлар билан шуғулланаётганлигини аниқлаш учун кўзда тутилган.”.